

# **Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёrlаш ишларини бажариш учун**

## **№ 97- сонли шартнома**

Бухоро шаҳри

16 ноябрь 2022 йил

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан «DIAMOND NETWORK» Х/К кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар С.Хамдамов иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёrlаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича шартнома туздилар:

### **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг 2022 йил 14 ноябрдаги № 56671-сонли электрон баённомасига кўра **«Ромитан туман Ҳазортуғ МФЙда маҳалла маркази ва маҳалла биносини қуриш»** обьекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёrlашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қўйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 2 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### **2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

#### **2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

#### **2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вактида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг курилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

### **3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Қўйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичиде уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

#### 4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиги билан – **14 800 000** (Ўн турт миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади. Колган 70% тўлов бажарилган ишларни тасдиқловчи хужжат (далолатнома)га асосан тўловни амалга оширилишини маълум киласиз.

4.3. Ишлар қиймати узел-кесил ҳисобланади ва кейинчалик кайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлгандা;
- ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун курилиш лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиха-смета ҳужжатларida камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул кайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда

амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган хужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқукига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги хужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокоралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чикувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган қундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
хизмат инжиниеринг компанияси»  
Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5  
тел. 223-63-23, 223-63-26  
Х/р: 301821860064017013990199022  
ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100  
Бухоро вилоят Ғазначилик бошқармаси  
Х/р: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент шаҳри  
МФО 00014 ИНН 201122919



Ф.Б.Жаллиев  
(мухр, имзо)

Д.Соивов

Р. Хайитов

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«DIAMOND NETWORK» X/K  
Манзил: Бухоро туман  
Истиклол ҚФЙ  
Тел. 99-899-700-90-90  
Х/с 2020 8000 9007 1007 2001  
Банк номи: Ипотека банк  
Бухоро вилояти филиали  
МФО 00088 ИНН 304 508 390  
ОКОНХ



Директор  
(мухр, имзо)

С. Хамдамов